

**УДК: 631.331.**

**Чигит сеялкалари самарадорлигини ошириш имкониятлари**

**А.Дадаходжаев – АндҚХИ доценти, т.ф.н., И.Эркинов, Г.Мамадалиева ва  
Ш.Шохимов – АндҚХИ магистрантлари**

Республикада пахтачиликни механизациялашда чигит сеялкаларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, охириги йилларда чигит экиш учун СМХ-4, СХУ-4 русумли сеялкалар айрим шароитларда эса «Андижон -2М» ва «Андижон-3А» сеялкалари қўлланилмоқда. Лекин тақидлаш керакки, экиш агрегатлари етишмаётган шароитларда эса хаттоки СТХ-4А ва СЧХ-4А сеялкаларидан ҳам фойдаланилмоқда.


Юқорида кўрсатилган «Андижон-2М» ва «Андижон-3» сеялкалари чигитни плёнка остига экиш учун қўлланилмоқда. Аммо ушбу сеялкаларда дозатор – тақсимлагич қисми технологик иш жараёнининг ишончилиги кумоқ тупроқлардагина агротехника талабига жавоб бериб, қотқалоқ бўлишга мойил-ёпишқоқлиги юқори бўлган тупроқ шароитларида эса агротехника талабларига жавоб бермаяпти, яъни мундштуқлар учи тупроқ билан беркилиб қолиши натижасида уяларга чигит тушмай қолмоқда. Бундай ҳолларда сеялка фақат майдонларга плёнка тортиш учун қўлланилмоқда, чигит эса плёнканинг тешилган жойларига қўлда экилмоқда. Бу эса чигит экишдаги меҳнат-сарфини, ўз навбатида чигит экиш харажатларини кескин ортишига сабаб бўлмоқда.

Чигит экиш харажатлари, меҳнат сарфи ва технологик жараён сифатини яхшилаш мақсадида махсус тадқиқод олиб борилди ва очиқ майдонларга чигит экиш учун қўлланилаётган СМХ-4, СХУ-4, СЧХ-4А ва СТХ-4А сеялкалар конструкциясидаги мавжуд имкониятлар ўрганилди. Бунда туксиз чигитларни ушбу сеялкалар билан экиш маъёри ҳар бир гектар майдонга қатор оралари 60 см бўлганда 166,6....333,6 минг дона ва қатор оралари 90 см бўлганда эса 111,1 ... 222,2 минг дона бўлиши мумкинлиги аниқланди.

«Андижон-2М» ва «Андижон-3А» сеялкалар ёрдамида чигит экилган майдонлар ўрганилганда эса 60x10x1 ва 60x12x1 схемалар билан чигит экилганда хар бир гектар майдонда мос равишда 162 минг туп ва 139 минг туп бўлиши, 90x12x1 ва 90x15-1-2 схемалар билан чигит экилганда эса мос равишда 92,5 минг туп ва 111 минг туп бўлиши мумкинлиги аниқланди.

Бундан кўринадики очик майдонларга чигит экиш учун қўлланилган сеялкалар билан плёнка остига чигит экиш сеялкаларининг агротехникавий кўрсаткичлари – яъни экиш меъёрлари бир-бирига жуда якин бўлмоқда. У холда чигитни плёнка остига экиш учун яратилган махсус сеялкалардан фойдаланиш мумкин бўлмаган экин майдонларга СМХ-4, СХУ-4, СЧХ-4А ва СТХ-4А сеялкалари билан чигит экиб, чигит экилган қаторлар устига плёнка ётқизиш учун ушбу сеялкалар қўшимча мослама билан жиҳозланиб пахта етиштириш мумкин бўлади.

Бунинг учун юқорида русумлари келтирилган сеялкаларда қуйидаги



қўшимча ўзгартириш ва жиҳозлаш ишлари бажарилади(1-расмга қаралсин):

**1-расм. Плёнка тортиш мосламаси билан жиҳозланган СЧХ-4А сеялкаси:** V-ҳаракат йўналиши; 1-рама; 2-таянч гилдираги; 3-дискли экиш

*аппарати; 4-сошник; 5-чигит кўмувчи загортач; 6-пружина; 7-тортқи осмаси; 8-тарангловчи ролик; 9-плёнка; 10-плёнка қирғоғини кўмувчи загортач; 11-зичлаш-плёнка тешиш ғилдирағи; 12-тортқи; 13-тиргак; 14-плёнкали ғалтак; 15-кронштейн; 16-экиш аппарати юритмаси; 17-ошиш қурилмаси.*

-дастлаб сеялканинг кетинги кўндаланг балкасига махкамланган кронштейн параллелограмсимон осмаси ва унга бириктирилган загортач ва зичлаш ғилдирағи билан бирга олиб қўйилади, унинг ўрнига эса махсус янги тайёрланган кронштейн 15,7-тортқи осмаси, 12-тортқи ва 13-тиргаклар билан бирга махкаланади;

-чигит сошниги 4 нинг охирига загортач 5 махкамланади, тортқи охирига эса зичловчи ғилдирак 11 ва загортач 10 махкамланади;

-зичловчи ғилдирак гардишига плёнкани тешиш учун махсус бармоқлар пайвандланиб уларнинг қадами чигит уялари орасидаги масофага тенг қилиб олинади;

-кронштейн учидаги U симон ариқчага плёнка ғалтаги ўтказилган махсус ўқнинг учлари жойлаштирилади.

Кўшимча қисмлар билан жихозланган сеялканинг плёнка ётқизувчи қисмини технологик иш жараёни куйидагича бўлади:

Экиш агрегати ҳаракатланганда сошник устига ўрнатилган уялаш аппарати чигитларни 10...15 см масофалардаги уяларга жойлаштиради, загортачлар эса уядаги чигитларни тупроқ билан кўмади. Плёнка ғалтаги ғилдирак устида жойлашганлиги сабабли, плёнка учини ғилдирак остидан айлантириб ўтказилади ва чигит экилган қатор бошланишига тупроқ билан кўмиб қўйилади. Натижада экиш агрегати ҳаракати мобайнида очик майдонларга чигит экувчи сеялкалар ёрдамида белгиланган меъёрларда чигит экилади ва ушбу чигит экилган қаторлар устига кўшимча ўрнатилган жихозлар ёрдамида чигит уялари қатори устига плёнка ёпилади ва уялар устидан тешиклар очилилади.

## АДАБИЁТЛАР

1.Абдураимов О, Султонов М. ва бош. “Чигитни плёнка остига экиш технологиясининг агротехник талаблари ва уларни бажариш йўллари”. Андижон, 2014й, 60б.

2.Мирахмедов С.М. ва бош. “Пахтачилик справочниги”. Тошкент, “Мехнат”, 1989й.

3.Хамидов А. “Чигит сеялкалари”. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1978й, 220б.

**А.Дадаходжаев ва бошқаларнинг “Чигит сеялкалари самарадорлигини  
ошириш имкониятларининг тадқиқи” мақоласига**

**ТАҚРИЗ**

Пахтачиликда чигитни танланган агротехнология талаблари асосида сифатли экиб, қийғос ундириб олиш муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. Бунда турли ҳудудлар учун тупроқ шароити, танланган чигит нави ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда мақбул экиш схемаси танланмоқда ва тегишли чигит сеялкаларида фойдаланилмоқда.

Республикада ишлаб чиқарилаётган, шунингдек хориждан келтириб ишлатилаётган сеялкалар чигит экиш ишларини механизациялаштиришда етарли даражада хизмат килмоқда.

Йилдан-йилга пахта ҳосилдорлигини ошириш учун эҳтиёж ортиб бормоқда. Бунда чигитни плёнка остига экиб пахта етиштириш самарали услубларда ҳисобланиб, чигит сеялкаларининг иш сифати ва унуми нисбатин паст ҳолда бўлганлиги сабабли уларни такомиллаштириш зарурати пайдо бўлмоқда.

Юқоридагилар асосида ушбу мақолани электрон версиясини электрон ахборот таълим ресурси (ЭАТР) сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта – махсус таълим вазирлиги қошидаги “ZiyoNET” ресурс маркази бўлимида рўйхатдан ўтказишга тавсия этаман

АндҚХИ, “Қишлоқ хўжалик  
энергетикаси ва умумий техника  
фанлари” кафедраси доценти, т.ф.и:



Б.Р.Болтабоев



**А.Дадаходжаев, И.Б.Эркинов ва бошқаларнинг “Чигит сеялқалари  
самарадорлигини ошириш имкониятлари” мақоласига  
ТАҚРИЗ**

Пахтачиликда чигитни танланган агротехнология талаблари асосида сифатли экиб, қийғос ундириб олиш муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. Бунда турли ҳудудлар учун тупроқ шароити, танланган чигит нави ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда мақбуо экиш схемаси танланмоқда ва тегишли чигит сеялқаларида фойдаланилмоқда.

Республикада ишлаб чиқарилаётган, шунингдек хориждан келтириб ишлатилаётган сеялқалар чигит экиш ишларини механизациялаштиришда етарли даражада хизмат қилмоқда.

Йилдан-йилга пахта ҳосилдорлигини ошириш учун эҳтиёж ортиб бормоқда. Бунда чигитни плёнка остига экиб пахта етиштириш самарали услубларда ҳисобланиб, чигит сеялқаларининг иш сифати ва унуми нисбатин паст ҳолда бўлганлиги сабабли уларни такомиллаштириш зарурати пайдо бўлмоқда.

Юқоридагилар асосида ушбу мақолани электрон версиясини ахборот таълим ресурси (ЭАТР) сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта – махсус таъли вазирлиги қошидаги “ZiyoNET” ресурс маркази бўлимида рўйхатдан ўтказишга тавсия этаман.

АндМИ,  
кафедраси доценти:

“Автомобилсозлик”



И.З.Носиров